



ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Моҳигул Муродова,

Тошкент молия институтини "Иқтисодий хавфсизлик" кафедраси катта ўқитувчиси, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент, Ўзбекистон.

Email: ch.mohigul@mail.ru

SCIENTIFIC AND THEORETICAL BASIS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE FOOD INDUSTRY

Mohigul Murodova,

Senior lecturer of the "Economic Security" Department of the Tashkent Financial Institute, Doctor of Philosophy (PhD) in Economics, Tashkent, Uzbekistan.

Email: ch.mohigul@mail.ru

JEL Classification: O1, O14

Аннотация: Мазкур мақолада Янгиланаётган Ўзбекистон аҳолисининг ўсиб ҳамда, турмуш даражасининг юксалиб бориши шароитида сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириши ҳамда озиқ-овқат саноати корхоналарини барқарор ривожлантиришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро сифат стандартлари асосида ишлаб чиқариши, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришини, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиши, аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш"[1] вазифалари устувор аҳамият касб этмоқда. Жумладан, саноатда қайта ишлаш учун муайян даражадаги сифат тавсифларига эга ёғ-мой хомашёси билан таъминлаш, ёғ-мой хомашёси ва маҳсулотларини сақлаш, ташиши ва товар ҳаракатини такомиллаштириши, хомашё турларини

диверсификациялаш орқали ёғ-мой саноати корхоналари фаолият рентабеллигини ошириши, замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозлаш, маҳсулотнинг истеъмол хусусиятларини яхшилаш орқали корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириши бу борадаги асосий муаммолардан ҳисобланади. Шунга кўра, озиқ-овқат саноат корхоналарини замонавий илгор хорижий ускуна ва технологиялар асосида модернизация қилиши, корхоналарнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиши йўналишларида илмий-тадқиқотларни чуқурлаштириши мақсадга мувофиқ.

Abstract: In this article, special attention is paid to meeting the demand for high-quality and safe food products and sustainable development of food industry enterprises in the conditions of the growing population of Uzbekistan and rising living standards. "Production of food products based on international quality standards, production of local food products that are competitive in domestic and foreign markets,

introduction of state support system, further improvement of providing the population with high-quality and safe food products"[1] tasks are gaining priority. In particular, providing oil-oil raw materials with certain quality specifications for industrial processing, improving the storage, transportation and movement of oil-oil raw materials and products, increasing the profitability of oil-oil industry enterprises by diversifying the types of raw materials, using modern equipment increasing the competitiveness of enterprises by improving the equipment, consumer characteristics of the product is one of the main problems in this regard. Accordingly, it is desirable to modernize food industry enterprises on the basis of modern advanced foreign equipment and technologies, to deepen scientific research in the directions of effective use of internal capabilities of enterprises.

Калит сўзлар: *Агрокластер, стратегия, кооперация тизими, активлар, қимматли қоғозлар, левераж коэффициенти.*

Keywords: *Agrocluster, strategy, cooperative system, assets, securities, the leverage ratio.*

Кириш. Жаҳон амалиётида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг жадал суръатларда ўсиб бориши, саноат хомашёси нархларининг сезиларли даражада ошиб бориши тармоқни барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Жаҳон банкининг расмий маълумотида

қўра, “2020 йилда дунё бўйича ялпи ички маҳсулотнинг қисқариши 4,3 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши 4,7 фоизни ташкил этгани ҳолда, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1,7 фоизга ошди” [2]. Бу эса, жаҳонда озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Дунёда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва қашшоқликни камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятидан келиб чиқиб, озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантириш борасида амалга оширилаётган тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ташкил этишнинг инновацион ёндашувларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, маҳсулот таннархини пасайтиришнинг самарали усулларини жорий этиш, корхона активлари ва қимматли қоғозларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларида техник-иқтисодий меъёрларнинг оптимал қийматларини баҳолаш йўналишларидаги илмий тадқиқотларга устувор даражада эътибор берилмоқда.

Материал ва метод. “Озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари” хусусидаги тушунчасини ифодаланиши у ёки бу муаллифнинг тадқиқот соҳасига боғлиқ. Шуларни инобатга олиб ушбу тушунчани ёритиб берган хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан берилган таърифларнинг энг асосийлари деб билганлар 1-жадвалга мувофиқ келтириб ўтилади.

1-жадвал
“Озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари” хусусидаги илмий-назарий қарашлар¹

Муаллифлар	Таъриф
Е.Костюков	Озиқ-овқат саноатининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш мақсадида, миллий инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш зарур.
Д.Еременко	Озиқ-овқат саноатининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришда, кооперация тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.
К.Зубарев	Саноат корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг прогнозлари асосида, иқтисодий прогнозлашни тиклаш ҳамда, корхоналарини ҳудудий-тармоқ бошқарув органларини мустаҳкамлаш ва улар фаолиятини тартибга солиш жараёнида, озиқ-овқат саноатининг такомиллаштирилган ташкилий-иқтисодий механизми ривожланади.
С.Толкачева	Озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш муҳим роль ўйнайди. Унинг фикрига кўра, бир вақтнинг ўзида бир нечта диверсификация йўналишларини қамраб олган комплекс қарорларни танлаб олиш лозим. Бунда бир вақтнинг ўзида икки йўналашдан фойдаланишга асосланган вариант танланиши ва диверсификация йўналишлари ўзгариб бориши мумкин
А.Глотка	Агросаноат мажмуидаги тадбиркорлик агрокластери-ушбу тизимда маълум даражада ўзаро алоқа қилиш маданиятига эга бўлган боғлиқлик билан, иштирокчиларининг умумий иқтисодий манфаатларини амалга оширувчи ва технологик занжир тамойили асосида ташкил этилган ҳудудий жиҳатдан алоҳида инновацион йўналтирилган интеграцион тузилмаси ҳисобланади.
Р.Тохчуков	Тадбиркорлик агрокластери-пировард натижаси синергетик самара олиш ҳисобланган, ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан, тайёр маҳсулотни сотишгача жараёнларни, ягона такрор ишлаб чиқариш тарзида мужассамлаштирган турли фаолият билан шуғулланувчи, ташкилотларни бирлашувидан иборат.

¹ Манба: Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида тузилган..

Мазкур соҳадаги хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий-назарий қарашлар келтирилган "Сиёсий иқтисод принциплари" номли илмий асарида иқтисодиётни, ерларни тақсимлаш билан боғлиқлиги ғоясини илгари сурди. У фанга капитал ва аҳолининг "Стационар ҳолати" тушунчасини киритди [3]. Барқарор жамият жисмоний ўсиш билан эмас, балки сифатли ривожланиш билан тавсифланади. Унинг фикрига кўра, "Ўсиш" дегани ўзаро кўшилиш даражасигача кўпайишни, "Ривожланиш" дегани мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда, интенсив ривожланишни таъминлашни англатади [4]. Тараққий этган мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Япония ва Германияда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш саноатни интенсив ва инновацион ривожланишини таъминлаш имконини берди.

Буюк Британияда қишлоқ хўжалигининг барқарорлиги уни интенсив ривожланишини таъминлашнинг натижасидир. Ривожланишнинг ушбу йўли нафақат кўшимча фойда олиш имконини берди, балки атроф-муҳитни хонавайрон бўлишига, масалан, тупроқ деградациясига, айрим ёввойи ҳайвонларни йўқолиб кетишига олиб келди. Ишлаб чиқариш жараёнлари қайта тикланмайдиган ресурсларни бутунлай тугашига олиб келмагандагина барқарорлик бўлиши мумкин [5]. Озиқ-овқат саноатининг иқтисодий асосларини ривожлантиришда ушбу тармоқни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш муҳим ўрин тутди. Унинг фикрига кўра, озиқ-овқат саноати тармоқларини нотекис, айрим нисбатларда молиялаштириш тизимини жорий қилиш лозим. Мазкур

молиялаштириш тизими истеъмолнинг, тармоқлар капитал сиғимининг прогнозларини ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш зарурлигини ҳисобга олиши лозим. Бундай ёндашув озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг барча турлари бўйича истеъмол ва ишлаб чиқариш ўртасидаги мутаносибликка эришиш имконини беради [6]. Озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг турлари истеъмолининг ўзгаришига нисбатан ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш эластиклигидан келиб чиққан ҳолда, молиялаштиришни таклиф қилапти. Бу эса, амалий аҳамият касб этади.

Аграр соҳада фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини ривожлантириш масаласини тадқиқ қилган ва улар фаолиятини ривожлантиришда тижорат банкларининг кредит хизмати ва ҳисоб-китоб хизмати муҳим ўрин тутишини эътироф этган [7].

Хизмат кўрсатиш соҳасини банklar томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш масаласини илмий жиҳатдан тадқиқ қилган ва бир қатор илмий-амалий хулосаларни шакллантирган. Жумладан, унинг хулосасига кўра, хизмат кўрсатиш соҳасини банklar томонидан кредитлаш ҳажминини ошириш учун кредит рискини бошқариш амалиётини такомиллаштириш керак [8]. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланган давлат харид нархлари билан қишлоқ хўжалик техникаларининг нархлари ўртасида жиддий номуаносибликнинг мавжудлиги фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилади [9]. Аграр соҳада фаолияти юритаётган хўжалик юритувчи

субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаштиришнинг энг самарали усули бўлиб, лизинг асосида молиялаштириш ҳисобланади [10]. Аммо, лизингга берувчилар учун самарадорлигини ўрганмаган. Инфляция даражаси ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръати юқори бўлган шароитда, лизинг операциялари лизингга берувчилар учун унчалик самарали бўлмайди. Чунки, лизинг объектига ҳисобланган амортизация ажратмаси суммаси, инфляция ва девальвация таъсирида қадрсизланиб, тўпланган амортизация суммасига янги лизинг объектини сотиб олиш имкони бўлмайди. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг барқарорлигини таъминлашда микромолиялаш тизимини ривожлантириш ва уларга банклар томонидан берилган кредитларни, бонификация қилиш муҳим амалий аҳамият касб этади [11].

Натижалар. Озиқ-овқат саноати корхоналарининг барқарорлигини таъминлашни баҳолаш масаласи хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Россиялик иқтисодчи олим Л.Колпакова мақсадли дастурлаштириш методологиясини қўллаш асосида, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида инновацион технологик жараёнларни баҳолаш методикасини ишлаб чиққан.

Унинг хулосасига кўра, ҳар қандай технология турли кўрсаткичлар билан тавсифланади ва мезонлар сифатида f_1, f_2, \dots, f_m ни олади. Мазкур мезонларнинг ҳар бирида, X эҳтимолий қарорларни максималлаштириш лозим деб ҳисоблайди.

Л.Колпакова мақсадли режалаштириш методологиясига

мувофиқ, R^m чегаравий кенликда U кўплик идеал векторларни беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Бунда $U \cap Y = \emptyset$ тенглик мавжуд бўлиб, Y кўплик эҳтимолий векторларни англатади, яъни $Y = f(X)$.

Бундан ташқари, R^m чегаравий кенликда $\rho = \rho(y, z)$ рақамли функцияси берилган бўлиб, ушбу функция y, u, z векторлар жуфтлигининг ҳар бирида y ва z векторлар ўртасидаги масофани таққослайди.

Мақсадли дастурлаштириш методига мувофиқ, шундай $x^* \in X$ қарори танланадики, бунинг учун қуйидаги тенглик бажарилиши керак:

$$\inf_{y \in U} \rho(f(x^*), y) = \min_{x \in X} \inf_{y \in U} \rho(f(x), y)$$

Мазкур тенглик $f(x^*)$ вектор энг яхши x^* қарорга мос келишини англатади ва U кўплик идеал векторлардан минимал эҳтимолий масофада бўлиши керак. Бундай шароитда метрикани танлаш қуйидаги параметрик оиладан амалга оширилади:

$$\rho_a^{(s)}(y, z) = \left(\sum_{i=1}^m a_i |y_i - z_i|^s \right)^{1/s},$$

Бу ерда: $s \geq 1$ ва $a = (a_1, \dots, a_m)$; $a_i > 0$ ҳамма учун, $i = 1, 2, \dots, m$.

Хусусий ҳолатда, яъни технологиялар 2 та параметр билан $s = 2$, ва $a_i = 1, i = 1, 2, \dots, m$ таққосланганда мезонлар тенг кучли бўлади:

$$\rho^{(2)}(y, z) = \sqrt{(y_1 - z_1)^2 + (y_2 - z_2)^2}$$

Л.Колпакова технологик жараён вариантнинг самарадорлигини 4 та мезон бўйича аниқлашни таклиф этади:

$$\rho^{(4)}(y^{(i)}, 0) = \sqrt[4]{\bar{y}_1^4 + \bar{y}_2^4 + \bar{y}_3^4 + \bar{y}_4^4}$$

бу ерда \bar{y}_i – мезонларнинг модификациялашган миқдорларидир [12].

И. Ансофф стратегияни ташкилот ўз фаолиятида риоя этадиган қарорларни қабул қилиш учун қоидалар тўплами сифатида



таърифлаган. Унинг концепциясига асосан корхонанинг умумий стратегияси ресурслардан қандай фойдаланиш кераклигини белгилайди, бозорлар, ривожланиш йўналишлари, рақобат устунликлари, кутиладиган синергияни қайд этади [13].

Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятининг барқарорлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, молиявий левераж коэффициенти ҳисобланади.

Молиявий левераж коэффициенти хўжалик субъектининг ўз маблағлари билан таъминланганлигини кўрсатади.

Ўз маблағлари : Жами қарз мажбуриятлари.

Ушбу коэффицентининг максимал меъёрий даражаси 0,25 килиб белгиланган. Бошқача айтганда, хўжалик субъектининг 1 сўмлик ўз маблағига 4 сўмгача қарз мажбурияти тўғри келиши керак.

Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларида, шу жумладан, Францияда молиявий левераж коэффициенти директив кўрсаткич сифатида белгиланган. Ўзбекистонда эса, молиявий левераж коэффициенти бўйича корхоналарга норматив белгиланмаган.

Озиқ-овқат саноати корхоналарининг ўз маблағларига қуйидагилар киради:

устав капитали;
фойда ҳисобидан шакллантирилган захиралар;
қўшилган капитал;
соф фойда;
ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси.

Хўжалик субъектининг устав капитали унинг оддий акцияларини сотиш йўли билан шакллантирилади.

Фойда ҳисобидан шакллантириладиган захиралар

эҳтимолий йўқотишларни қоплашга мўлжалланган. Қўшилган капитал корхонанинг оддий акциялари билан имтиёзли акцияларининг бозор баҳоси билан номинал қиймати ўртасидаги фарқдир. Янги чиқарилган акциялар номинал қийматида эмас, балки бозор баҳосида сотилиши керак. Янги акция чиқариш учун қарорни акциядорларнинг умумий йиғилиши қабул қилади.

Ўзбекистон амалиётида корхоналарнинг соф фойдаси қуйидаги тартибда шаклланади:

Маҳсулоларни сотишдан олинган тушумдан маҳсулот таннархини айириб ташласак ялпи фойда келиб чиқади.

Ялпи фойдадан давр харажатларини айириб ташласак, у ҳолда асосий фаолиятнинг фойдаси келиб чиқади.

Давр харажатларига қуйидагилар киради:

сотиш харажатлари;
маъмурий харажатлар;
бошқа операцион харажатлар;
келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари.

Ялпи фойдага молиявий фаолиятдан олинган даромад қўшилиб, ундан молиявий фаолият бўйича харажатлар айириб ташланса, умумхўжалик фаолиятининг фойдаси келиб чиқади.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларга қуйидагилар киради:

дивидендлар;
фоиз шаклидаги даромадлар;
узоқ муддатли ижара ёки лизингдан олинган даромадлар;
валюта курси фарқи кўринишида олинган даромадлар;
молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари.

Молиявий фаолият бўйича харажатларга қуйидагилар киради:

фоиз шаклидаги харажатлар (корхона чиқарган облигациялари учун тўланадиган фоизлар, олган кредитлари учун тўланадиган фоизлар ва бошқалар);

узоқ муддатли ижара ёки лизинг бўйича фоиз шаклидаги харажатлар;

валюта курси фаркидан зарарлар;

молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар (сотиб олинган қимматли қоғозларнинг бозор баҳосини пасайиши ва бошқалар).

Умумхўжалик фаолиятининг фойдасига фавқулоддаги фойдани кўшиб, ундан фавқулоддаги зарарни айириб ташласак, у ҳолда даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда ҳосил бўлади. Ушбу фойдадан даромад (фойда) солиғи суммаси айириб ташланса, у ҳолда ҳисобот даврининг соф фойдаси ҳосил бўлади. Ҳисобот даврининг соф фойдасидан тўланган дивидендлар суммасини айириб ташласак, ўтган йилнинг тақсимланмаган фойдаси ҳосил бўлади.

Дивидендлар акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тўланади. Агар акциядорлар умумий йиғилиши соф фойдани тўлиқ, яъни 100% дивиденд сифатида тўлаш тўғрисида қарор қабул қилса, ўтган йилнинг тақсимланмаган фойдаси юзага келмайди.

Озиқ-овқат саноати корхоналарининг қарздорлик мажбуриятларига қуйидагилар киради:

тижорат банкларидан олинган кредитлар бўйича қарздорлик;

корхона чиқарган қимматли қоғозлар бўйича қарздорлик;

ишчилар олдидаги меҳнат ҳақи бўйича қарздорлик;

векселлар бўйича қарздорлик.

Корхоналар товарларни кредитга сотганда қарздорлик тижорат вексели билан расмийлаштирилади. Векселда кўрсатилган сумма фоизи билан тўланади. Озиқ-овқат саноати корхоналарининг ликвидлилигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан яна бири – Тезкор ликвидлилик коэффицентидир (ТЛК). ТЛК корхона ликвидли активларини жорий пасивларга тақсимлаш орқали аниқланади.

Ушбу коэффицентнинг энг паст меъёрий даражаси 1,0 га тенг.

Ликвидли активлар:

– пул маблағлари;

– дебитор қарздорлик;

– юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар.

Пул маблағларига қуйидагилар киради:

– кассадаги нақд пуллар;

– корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари;

– ҳужжатлаштирилган аккредитив бўйича банкда депонент қилинган пуллар. Иқтисодчи олим А.Бурхановнинг фикрига кўра, саноат корхоналарининг барқарорлигини билвосита тавсифловчи кўрсаткичлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан асосийлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– инфляция даражаси;

– миллий валютанинг қадрсизланиш (девальвация) суръати;

– давлат бюджети дефицити даражаси;

– давлат қарзи даражаси.

Нью-Йорк (АҚШ) тижрат банкнинг саноат корхоналарининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда қўллайдиган молиявий коэффицентлари ва уларнинг меъёрий даражалари [15]

Кредит тўловига лаёқатлилиқ кўрсаткичлари:	Меъёрий даража
Жорий ликвидлилиқ коэффицентлари	2 : 1
Тезкор ликвидлилиқ коэффицентлари	1 : 1
Молиявий левераж коэффицентлари	1 : 1
Молиявий маржа коэффицентлари	1 гача

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, Нью-Йорк банки саноат корхоналарининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда 4 та молиявий коэффицентдан фойдаланади. Республикамиз банклари амалиётида мазкур коэффицентларнинг фақат биттаси, яъни жорий ликвидлилиқ коэффицентлари қўлланилади. Тараққий этган мамлакатлар банк амалиётида саноат корхоналарининг тўловга лаёқатлилигини баҳолашда пул оқимини баҳолаш усулидан фойдаланилади. Бунда асосий эътибор корхона умумий пул оқимининг унинг жами қарз мажбуриятларига нисбатан даражасини баҳолашга қаратилади. Халқаро

амалиётда қабул қилинган таснифга кўра, компанияларнинг умумий пул оқими пул маблағлари кирими билан пул маблағлари чиқими суммаси ўртасидаги фарқ суммасидир. Халқаро валюта фонди экспертларининг тавсиясига кўра, инфляциянинг йиллик даражаси 3 фоиздан ошмаса, бу мўътадил инфляция ҳисобланади. Миллий валютанинг йиллик қадрсизланиш суръатининг 10 фоизга етиши ва ундан юқори бўлиши молиявий инқироз белгиси ҳисобланади. Маастрихт шартномасида давлат бюджети дефицити ва давлат қарзи бўйича қуйидаги меъёрий даражалар ва мезонлар белгиланган.

3-жадвал

Озиқ-овқат саноати корхоналарининг барқарор ривожлантириш мезонлари ва меъёрлари²

Мезонлар	Меъёрлар
Режага кўра маҳсулот ишлаб чиқариш	Минг сўм $I_t \geq I_{t-1}$
Амалдаги ва солиштирма нархларда товар маҳсулоти	минг сўм $I_{t-1} \leq I_t$
Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмининг ўсиш индекси	Индекс (>0) $I_t \geq I_{t-1}$

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Сотилган маҳсулотлар ҳажми индекси	минг сўм $I_{t-1} \leq I_t$
Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатлари индекси	минг сўм $I_t \leq I_{t-1}$
Ҳаражатлар ўсиш индекси	$I_t \leq I_{t-1}$
Битта ходимга тўғри келадиган ишлаб чиқариш индекси	минг сўм/киши бошига $I_{t-1} \leq I_t$
Соф фойда индекси	минг сўм $I_{t-1} \leq I_t$
Рентабеллик индекси	$I_{t-1} \leq I_t$
Жорий ликвидлик коэффициенти	Коэффициент (>1.25)
Фонд қайтими индекси	$I_{t-1} \leq I_t$
Диторлик ва кредиторлик қарздорликни айланиш индекси	$I_{t-1} \leq I_t$

Озиқ-овқат саноати корхоналарини барқарор ривожланишини тавсифловчи ва меъерий даражага эга бўлган мезонлар иқтисодий мазмунига кўра тўрт гуруҳга ажратилган: а) ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг баҳолари, ҳажми ва таннархини тавсифловчи мезонлар; б)

корхоналарнинг рентабеллигини тавсифловчи мезонлар; в) корхоналарнинг ликвидлигини тавсифловчи мезонлар; г) корхона асосий воситаларнинг самарадорлигини тавсифловчи мезонлар.

4-жадвал

Корхоналарда пул маблағлари кирим ва чиқим элементлари [15]

Пул маблағлари кирим элементлари	Пул маблағлари чиқим элементлари
Таҳлил қилинаётган давр мобайнида олинган фойда	Дебитор қарздорлик ва товар-моддий захираларга қўшимча маблағлар жойлаштириш
Асосий воситаларга ҳисобланган амортизация ажратмалари	Солиқлар, фоизлар, дивидендлар, бўнақлар тўлаш;
Дебитор қарздорлик ва товар-моддий захираларига жойланган маблағларнинг бўшаб қолиши	Пеня ва жарималар тўлаш;

Кредитор қарздорлик миқдорининг кўпайиши	Банклардан олинган кредитларни тўлаш
Тижорат банкларидан кредитлар олиш	Тижорат кредитлари бўйича асосий қарз суммаси ва фоизларни тўлаш
Акциядорлик капитали ва бошқа пассивлар суммасининг ошиши	Кредитор қарздорлик миқдорининг камайиши
Молиявий грантлар жалб қилиш	Акциядорлик капитали суммасининг камайиши

4-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, корхоналарда пул оқимининг кирими ва чиқими аниқ элементлардан ташкил топган.

Мунозара. Тараққий этган мамлакатларда ва айрим ривожланаётган давлатларда озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий – иқтисодий асосларини такомиллаштириш борасида катта тажриба тўпланган. Шу сабабли, ушбу тажрибани ўрганиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларига баҳо бериш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Иқтисодчи олимларнинг томонидан биринчидан, давлат бож сийёсати доирасида тарифли ва тарифсиз чекловларни қўллаш орқали ички озиқ-овқат бозорини маълум даражада ҳимоя қилишни амалга оширади; иккинчидан, кредитларни бонификация қилиш озиқ-овқат саноати корхоналарининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга хизмат қилади; учинчидан, озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг бир қисмини компенсация қилиниши озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини ва экспорт

салоҳиятини ошириш имконини беради[14].

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши аксарият жиҳатдан унинг рақобатбардошлигини оширишга боғлиқдир. Ушбу йўналишда Ўзбекистонда агрокластерларни барпо этиш муҳим омил ҳисобланади. Бирок агрокластерларнинг республика шароитида янги институционал тузилма эканлигини инобатга оладиган бўлсак, агрокластерларнинг назарий ва услубий жиҳатлари билан бир қаторда, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим омил ҳисобланади. Бу борада Жанубий Корея давлати тажрибаси ўзининг иқтисодий, ташкилий ва институционал жиҳатлари билан Ўзбекистон шароитига ўхшашлиги билан ажралиб туради.

Маълумки, агрокластерлар давлат, фермерлар, олий таълим ва тадқиқот муассалари ҳамда, хусусий корхоналар ташаббуси асосида ташкил этилади.

Хусусан, Жанубий Кореядаги машҳур Сунчанг Паста ишлаб чиқариш кластери (Sunchang Paste Cluster) маҳаллий ҳокимият томонидан бошқарилаётган кластер бўлиб, соя, қалампир, кулупнай, олхўри кабилардан



турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ушбу кластер Корея ҳукуматининг қишлоқ ҳудудларида демографик ҳолатни яхшилаш (қишлоқ аҳолиси, асосан ёшларнинг шаҳарга кетиб қолишини камайтириш), тарихий анъаналар асосида ишлаб чиқаришни кўллаб-қувватлаш, қишлоққа саноат ва агротуризмни олиб кириш каби ривожлантириш дастурлари асосида ташкил этилган. Агрокластердаги 5292 та фермер хўжалигида 9780 гектар экин майдонида маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унда жами 12331 та киши ишлайди. Агротуризм ва меҳмонхона сервисини ривожлантириш ҳисобига 2018 йилга бориб йиллик экспортни 3 млн. АҚШ долларига етказиш режалаштирилган. Ҳайратланарли томони шундаки, ушбу кичик бир қишлоққа ҳар йили ўртача 12 мингдан ортиқ турист ташриф буюради. Шунингдек, фермерлар учун ахборот-маслаҳат бериш ҳамда қишлоқ хўжалиги агрегатларидан биргаликда фойдаланиш тажрибалари ҳам диққатга сазовордир.

Бунда марказий давлат ва маҳаллий ҳокимият томонидан молиялаштириш, турли ўқитиш семинар-тренинг лойиҳаларини амалга ошириш, марказнинг фаолиятидаги ишлаб чиқариш жараёнлари, маҳсулотни қайта ишлаш ва техникавий ёрдам кўрсатиш каби деҳқон учун имкониятлари чекланганлиги шароитда давлат томонидан кўллаб-қувватлашга оид тажрибаларни Ўзбекистонда нафақат фермер, балки деҳқон хўжаликларида ҳам кўллаш мумкин ҳамда агрокластерларни ташкил этишда маҳаллий ҳокимиятнинг кўллаб-қувватлаши ва ҳудудларнинг ихтисослашуви ва етиштираётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигига асосий эътиборни

қаратиш каби омиллардан фойдаланиш мумкин.

Чунгдо хурмо кластери (Chungdo Persimmon Cluster) 2009 йилда фермерлар ташаббуси билан ташкил этилган. Маълумот ўрнида айтиш керакки, Корея дунёда етиштирилаётган барча хурмо мевасининг 12 фоизини ишлаб чиқаради. Ушбу ҳудудда Кореядаги уруғсиз хурмонинг 65 фоизи етиштирилади. Фермерлар ташаббуси асосида ташкил этилган ва бошқариладиган ушбу кластер хурмодан йил давомида янги узилган, ярим қуритилган, қуритилган, ферментация қилинган, хурмо ёғи, хурмо виноси, ранг ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Хурмо кластери: хурмо етиштириш-қайта ишлаш-нархини сақлаш-маркетинг ва рекламани ривожлантиришга қаратилган. Ушбу кластер яна бир бор агрокластерда "Бизнес – университетлар - илмий тадқиқотлар - давлат"нинг биргаликдаги ҳаракати ва бунда илмий тадқиқотларга асосий эътибор берилганлигига амин бўлдик. Фермерларнинг ушбу кластерга кўшилиши натижасида оладиган даромадлари бошқа тармоқлар кўшилиши ҳисобига кескин ошганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда ушбу кластернинг маҳсулотни оддий усулда турли кўринишда ишлаб чиқариш ва бунда илмий тадқиқотларга асосий урғу бериш; инновацион маҳсулотлар (масалан, соғлиқ учун фойдали сироп ва бошқалар) ишлаб чиқариш;

юқори харид нархлари орқали фермерларни кластерга жалб этиш, маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш; кадрлар тайёрлаш каби тажрибаларидан фойдаланиш мумкин.

Гиёнгангбукдо қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари марказининг Сангжудаги хурмо тажриба станцияси



(Gyeongsangbuk-Do AR& ES, Sangju Persimmon Experiment Station) хурмо бўйича тадқиқотлар олиб борадиган, яъни уни етиштиришдан то истеъмолчиларга етказишгача бўлган жараёнларни тадқиқ этадиган Кореядаги ягона станция ҳисобланади. Ушбу илмий-тадқиқот станцияси энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, бу станцияда 27 киши, шу жумладан, 6 та профессор, 2 та ёрдамчи ва 4 та техник ходим ҳамда, 15 та яна бошқа ёрдамчи мутахассислар фаолият юритади.

Ўзбекистонда хурмо ўсимлиги бўйича тадқиқотлар уни етиштиришдаги ва истеъмолчиларга етказишдаги жараёнларни тадқиқ этиш, янги хурмо навларини яратиш, янги технология ва усулларни ишлаб чиқиш, янги қайта ишлаш технологияларини қўллаш каби илмий ишланмаларни тезликда жорий этиш, ушбу соҳадаги мутахассислар билан тажриба алмашиш кабилардан маълум турдаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган, масалан, Қувада анор, Жомбойда олма, Булунғурда помидор, Паркентда узум етиштиришга оид агрокластерлар ҳамда, улар таркибида тажриба станцияларини ташкил этишда фойдаланиш лозим.

Мункиеонг олмани қайта ишлаш кластери (Munkyeong Apple Processing Promotion Group) бизнес корхоналари ҳаракати асосида тузилган кластер бўлиб, у истеъмолчиларга олма билан боғлиқ 100 дан зиёд маҳсулот ва хизматларни таклиф этадилар. Аввал ушбу ҳудудда кўмир қазиб олинган бўлиб, 1994 йилда кўмир қазиб олиш тўхтатилгач, аҳолининг шаҳарга кетиб қолишининг олдини олиш мақсадида ушбу ҳудудга олма кластери ва туризмни ташкил этиш учун давлат томонидан катта миқдорда инвестиция киритилган. Ушбу олма

кластери фаолиятини ҳар йили фойда билан яқунлаган.

Бизнинг шароитда турли мева маҳсулотлари брендларидан (масалан, Самарқанд ёки Бахмал олмаси, Қува анори, Олтиариқ узуми кабилардан) фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистонда аниқ йўналишлар бўйича қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда Жанубий Кореянинг ушбу соҳада фаолият юритадиган қатор ташкилотларининг қуйидаги тажрибаларидан фойдаланиш мумкин:

– Жанубий Корея Миллий қишлоқ хўжалиги кооперативлари федерацияси (NongHyup) нинг кўп тармоқли ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сервис соҳаларини ўзида бирлаштирган йирик институтчионал бирлашма ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу бирлашманинг йилнинг барча фаслларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархларини бир хилда ушлаб туриш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига имтиёзли кредитлар бериш, озиқ-овқат марказларини ташкил этиш, мунтазам равишда кооператив аъзоларининг бизнесини амалга оширишларида манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тренинглари ўтказиб, ҳар хил молиявий хизматлар ва бошқаларни кўрсатиш борасидаги бозор тамойилларига мос механизмларининг Ўзбекистоннинг шароитига мос жиҳатларидан Республика фермерлар кенгаши томонидан, республика ва ҳудудлар даражасида деҳқонларнинг нодавлат ташкилотларини шакллантиришда фойдаланиш амалга ошириш.

Россиянинг агросаноат комплексининг таркибий қисми

ҳисобланади. Ушбу иккала саноат тармоғи ҳиссасига Россияда истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг 95 фоизи тўғри келади. Россия озиқ-овқат саноатига 30 га яқин тармоқ киради ва уларда 60 турдан ортиқ ишлаб чиқариш мавжуд. Россия озиқ-овқат саноати 2019 йилда 2,7 млн. тонна гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Бу эса, 2018 йилдагига нисбатан 5,7 фоизга кўп демакдир. Гўштни қайта ишлаш тармоғида 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 9,3 фоизга, гўштли консервалар ишлаб чиқариш 12,2 фоизга ошди, аммо мазкур даврда колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш 0,4 фоизга камайди [16].

2019 йилда Россияда балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2018 йилга нисбатан 1,6 фоизга, картошкани қайта ишлаш ҳажми 21,8 фоизга ошди.

Ўз навбатида, озиқ-овқат саноатида асосий капиталга қилинган инвестициялар ҳажмининг ошаётганлиги мазкур тармоқдаги корхоналарнинг фаолиятини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш имконини бермоқда.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали Россия озиқ-овқат саноатида асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларига баҳо берамиз.

5-жадвал

Россия озиқ-овқат саноатида асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг таркиби (фоизда)³

Молиялаштириш манбалари:	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Корхоналарнинг ўз маблағлари	51,1	51,3	53,2	57,1
Давлат бюджети маблағлари	16,4	16,3	15,3	15,8
Банкларнинг кредитлари	10,4	11,2	10,9	6,7
Аҳолининг маблағлари	3,2	3,3	3,5	3,7
Бошқа жалб қилинган маблағлар	18,9	17,9	17,1	16,7
Молиялаштириш манбалари – жами	100,0	100,0	100,0	100,0

³ Россия давлат Федерал статистика хизмати маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

5-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2016-2019 йилларда Россия озиқ-овқат саноатида асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида корхоналарнинг ўз маблағларининг салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, озиқ-овқат саноатини барқарор ривожланишини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Россия озиқ-овқат саноатида асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида давлат бюджети маблағларининг улуши пасайиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу пасайиш мазкур даврда корхоналарнинг ўз маблағларини молиялаштириш манбаларининг ҳажмидаги улушини ошиш тенденциясини юзага келганлиги билан изоҳланган. 2017-2019 йилларда

Россия озиқ-овқат саноатида асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида тижорат банклари кредитларининг салмоғини пасайиши кузатилган. Бу эса, озиқ-овқат саноатини барқарор ривожланишини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, тижорат банкларининг кредитлари корхоналар фаолиятини молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Россия озиқ-овқат саноатида асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида аҳолининг пул маблағларининг салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Биз қуйида Россия озиқ-овқат саноатининг йирик корхоналарининг бири бўлган "Наро-Фомин" консерва заводининг барқарорлигини тавсифловчи айрим кўрсаткичларни таҳлил қиламиз.

6-жадвал

"Наро-Фомин" консерва заводи (Россия) ялпи коэффиценти, капиталнинг рентабеллиги ва материаллар сифимининг кўрсаткичларининг ўзгариши (фоизда) ⁴

Кўрсаткичлар:	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Ялпи фойда коэффиценти	0,22	0,17	0,15	0,11
Капиталнинг рентабеллик коэффиценти	0,44	0,36	0,33	0,27
Материаллар сифими кўрсаткичи, %	64,7	74,3	76,1	80,9

⁴ "Наро-Фомин" корхонасининг (Россия) бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган. www.spartak-shoes.ru.

б-жадвал маълумотлари кўрсатадики, "Наро-Фомин" консерва заводида 2015-2018 йилларда ялпи фойда коэффициентининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Мазкур тенденциянинг юзага келиши таҳлил қилинган давр мобайнида маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотларнинг таннархи ўртасидаги фарқ суммасининг ўсиш суръатини маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўсиш суръатидан паст бўлганлиги билан изоҳланади. Масалан, 2019 йилда маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотларнинг таннархи ўртасидаги фарқ суммасининг 2017 йилга нисбатан ўсиш суръати 2,3 мартани ташкил этгани ҳолда, маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушумнинг ўсиш суръати 3,7 мартани ташкил этди. "Наро-Фомин" консерва заводида 2016-2019 йилларда капиталнинг рентабеллик коэффициенти пасайиш тенденцияси кузатилган. Ушбу пасайиш тенденцияси маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади ва мазкур тенденциянинг юзага келиши 2016-2019 йилларда соф фойданинг ўсиш суръатини капиталнинг ўсиш суръатидан паст бўлганлиги билан изоҳланади.

"Наро-Фомин" консерва заводида 2015-2018 йилларда материаллар сифими кўрсаткичининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади.

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, "Наро-Фомин" консерва заводида материаллар сифими кўрсаткичининг 2017 йилда 2016 йилга нисбатан юқори суръатда (9,6 ф.п) ўсган. Бу эса, маҳсулотлар ишлаб чиқариш

самарадорлигини пасайишига олиб келган. Ушбу кескин ошишнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, Россия рублининг 2017 йилда, Ғарб давлатларини санкция қўллаши муносабати билан, кескин қадрсизланганлиги ҳисобланади.

Хулоса. Қишлоқ хўжалигининг барқарорлиги уни интенсив ривожланишини таъминлашнинг натижасидир, ривожланишнинг ушбу йўли нафақат кўшимча фойда олиш имконини берди, балки атроф-муҳитни хонавайрон бўлишига, масалан, тупроқ деградациясига, айрим ёввойи ҳайвонларни йўқолиб кетишига олиб келди. Ишлаб чиқариш жараёнлари қайта тикланмайдиган ресурсларни бутунлай тугашига олиб келмагандагина барқарорлик бўлиши мумкин;

озик-овқат саноатининг иқтисодий асосларини ривожлантиришда ушбу тармоқни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш муҳим ўрин тутгани ҳолда, озиқ-овқат саноати тармоқларини нотекис, айрим нисбатларда молиялаштириш тизимини жорий қилиш лозим;

озик-овқат саноатининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган миллий инвестиция стратегиясида, озиқ-овқат маҳсулотлари баҳоларига оқилона таъсир кўрсатиш, сўнги талабни рағбатлантириш, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг прогнозлари асосида иқтисодий прогнозлашни тиклаш каби элементлардан иборат бўлши керак;

озик-овқат саноатини ривожлантиришда маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш муҳим роль ўйнайди. Иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, диверсификация йўналишларини қамраб олган комплекс қарорларни танлаб олиш

лозим. Бунда бир вақтнинг ўзида икки йўналашдан фойдаланишга асосланган вариант танланиши ва диверсификация йўналишлари ўзгариб бориши мумкин.

Мақсадли дастурлаштириш методологиясини қўллаш асосида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида инновацион технологик жараёнларни баҳолаш методикаси озиқ-овқат саноати корхоналарини ташкилий-иқтисодий барқарорлигини баҳолашда муҳим ўрин тутди.

Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятининг барқарорлигини баҳолашда молиявий левераж коэффициенти, ликвидлилик коэффициенти катта аҳамиятга эга.

Жанубий Кореядаги машхур Сунчанг Паста ишлаб чиқариш кластери (Sunchang Paste Cluster) маҳаллий ҳокимият томонидан бошқарилаётган кластер бўлиб, соя, қалампир, қулупнай, олхўри кабилардан турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва Корея ҳукуматининг қишлоқ ҳудудларида демографик ҳолатни яхшилаш, тарихий аъёнлар асосида ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, қишлоққа саноат ва агротуризмни олиб кириш каби ривожлантириш дастурлари асосида ташкил этилган;

2016-2019 йилларда Россия озиқ-овқат саноатида асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида корхоналарнинг ўз маблағларининг салмоғини ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги озиқ-овқат саноатини барқарор ривожланишини таъминлаш нуктаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади;

2016-2019 йилларда Россия озиқ-овқат саноатида асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида, давлат бюджети маблағларининг улушини пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги, мазкур даврда корхоналарнинг ўз маблағларини молиялаштириш манбаларининг ҳажмидаги улушини ошиш тенденциясини юзага келганлиги билан изоҳланади;

2017-2019 йилларда Россия озиқ-овқат саноатида асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида тижорат банклари кредитларининг салмоғини пасайиши кузатилганлиги озиқ-овқат саноатини барқарор ривожланишини таъминлаш нуктаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

“Наро-Фомин” консерва заводида 2015-2018 йилларда ялпи фойда коэффициенти пасайиш тенденцияси кузатилган. Мазкур тенденциянинг юзага келиши таҳлил қилинган давр мобайнида маҳсулотларнинг таннархи ўртасидаги фарқ суммасининг ўсиш суръатини, маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўсиш суръатидан паст бўлганлиги билан изоҳланади; “Наро-Фомин” консерва заводида 2016-2019 йилларда капиталнинг рентабеллик коэффициенти пасайиш тенденциясини кузатилганлиги маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади ва ушбу тенденциянинг юзага келиши 2016-2019 йилларда соф фойданинг ўсиш суръатини капиталнинг ўсиш суръатидан паст бўлганлиги билан изоҳланади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сонли “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. www.lex.uz.
2. Жаҳон банки. Глобал иқтисодий таҳлил. <https://www.worldbank.org/en/publication/global-economic-prospects>.
3. Милль Дж. С. Основы политической экономии. М.: Прогресс, 1980. – 480 с.
4. Медоуз Д. Х., Медоуз Д. Л., Рондерс Й. За пределами роста. М.: Наука, 1994. – 304 с.
5. Whitby M., Ward N. The UK strategy for sustainable development: a critical analysis, 1994. – 98 p.
6. Бурмистров Н.А. Формирование модернизированной стратегии развития предприятий пищевой промышленности. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Саратов, 2011. – 20 с.
7. Шодмонов Э.Ш. Ўзбекистонда аграр ислохотларни чуқурлаштиришда банклар фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари. И.ф.н. илм. даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2005.
8. Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Т.: 2016. – 16-17 б.
9. Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. И.ф.б. фалсафа докт. дисс. автореф. – Т.: 2018. – 56 б.
10. Исмайлова С.С. Ўзбекистон Агросаноат мажмуасида лизинг фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автореф. – Т.: 2009. – 15 б.
11. Муродова Д.Ч. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Т.: 2019. – 56 б.;
12. Вахабов А.В. Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни // “Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк-молия тизимининг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Молия, 2009. – 22 б.
13. Колпакова Л.Г. Анализ и совершенствование эффективности гибких технологических процессов производства пищевых продуктов в условиях многоассортиментного выпуска. Дисс. на соиск. уч.ст. к.э.н. – Санкт-Петербург, 2009. – 9-10 с.
14. Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. - Спб: Питер, 1999.-416 с.; Ансофф И. Стратегическое управление: М.: Прогресс, 1999.- 117 с.
15. Лаврушина О.И. Банковское дело. Учебник., М.: Кнорус. 2016. – 367 с
16. Статбюллетень. Федеральная служба государственной статистики. – Москва, 2020.